

Маиший-Турмуш Доирасида Маъмурий Хуқуқбузарликлар Жиноятларни Содир Этилишини Тақозо Этишига Омил

Джумаев Фаррух Фармонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада маиший-турмуш доирасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг бугунги ҳолати таҳлил қилинган. Муаллиф ўтказилган тадқиқотлар ҳамда статистик маълумотлар таҳлиliga асосланиб, маиший-турмуш доирасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар шу соҳадаги жиноятларни содир этилишини тақозо этувчи омил деган хулоса келган. Шунингдек мақолада маиший турмуш доирасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этилишини тақозо этувчи омиллар, уларнинг сабаб-шароитлари, вақти ва жойи, содир этган шахсларнинг ҳолати ўрганилган. Бундан ташқари, ўтказилган тадқиқот ва амалиёт таҳлилларига асосланган ҳолда маиший-турмуш доирасида содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактикаси бўйича илмий хулосалар, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: маиший турмуш, оила турмуш, маиший соҳадаги руҳий зўравонлик, маиший соҳадаги иқтисодий зўравонлик, маиший соҳадаги жисмоний зўравонлик, маиший сабаб, носоғлом муҳит.

Маиший турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг ички руҳий дунёқарашини, унинг моддий, маънавий, иқтисодий ва турмуш жараёнидаги эҳтиёжларини, эмоционал иродавий даражасини, ғайриижтимоий хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш ва бу турдаги жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан¹.

Жамиятда муқаддас ҳисобланувчи, оилавий муносабатларга таҳдид солувчи, уни издан чиқарувчи, фарзандлар тарбиясига салбий таъсир этувчи маиший турмуш соҳасида ҳуқуқбузарликларни ўрганиш, уни ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади².

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур турдаги жиноятларни келтириб чиқарувчи омил сифатида маиший турмуш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг мазмун-моҳияти ҳамда унинг таркибини ташкил этувчи маиший, иқтисодий ва жисмоний зўрликнинг шакллари алоҳида тартибда ўрганилмаган.

Зеро, жамиятдаги ўзгаришлар оилага таъсирини кўрсатганидек, оиладаги ўзгаришлар жамиятга ҳам ўз таъсирини ўтказади³.

¹ Ғозибеков Т. Маиший турмуш жараёнидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва ҳимоя ордери бериш фаолияти. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2022. 21 б.

² Умирзаков Б. Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг тушунчаси //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2023. – Т. 2. – №. Maxsus son. – С. 166-170.

³ Алтмишев Т.Х., Позилжонов А.А., Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишда пробация хизматини роли. <file:///C:/Users/i.guruh-01/Downloads/CAJEI+1215.pdf>

Тадқиқотларда айрим мутахассислар маиший турмуш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни мазмун-моҳиятига кўра, қуйидагича таърифлашган:

бирор-бир кишига жисмоний таъсир ўтказиш, қасддан баданга жисмоний куч ишлатиш, инсонга нисбатан шикаст етказиш;

шахсга мажбурий таъсир кўрсатиш, яъни шахснинг устидан зўравонлик

қилиш, унинг ихтиёрига зид бўлган хатти-харакатларни қилишга мажбурлаш;

шахсга руҳий таъсир этиш орқали уни ўзига қарам қилиш ёки бўйсундириш каби ҳолатларни ўз ичига олади⁴.

Юқоридагиларга қисман қўшилиши мумкин. Бироқ, фикримизча маиший турмуш муносабат иштирокчиларининг бир бирига нисбатан жисмоний таъсир ўтказиши, жисмоний куч ишлатиш орқали қасддан баданга шикаст етказиши, шунингдек руҳий ва маънавий тазйик ўтказишини тушуниш тўғрироқдир. Бу эса ўз навбатида, тадқиқот маиший турмуш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг мазмуни ташкил этувчи айрим тушунчаларни моҳиятини ўрганишни тақозо этмоқда.

Биринчи, маиший соҳадаги руҳий зўравонлик – маиший турмуш муносабат иштирокчиларининг ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, репродуктив соҳада назорат қилиш, ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Маиший соҳадаги руҳий зўравонлик шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш, шахснинг руҳиятига таъсир этиш, ҳақорат ёки тухмат қилиш, мунтазам равишда танқид қилиш ва кўрқитиш, қариндош-уруғлар орасида шарманда қилиш ва бошқа шу каби кўринишлардан иборат бўлади.

Руҳий зўравонликка қўшимча тарзда қуйидагиларни киритиш мумкин:

ҳиссиёт ва ҳис-туйғуларни тан олмаслик;

унинг фикрлари устидан кулиш;

жазо чораси сифатида жабрланувчининг ҳиссиётларига эътибор бермаслик⁵.

Бунга мисол тариқасида Жиззах вилояти Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи 2007 йилда туғилган Н. Исмли вояга етмаган шахс ўз уйида онасининг тазйиғи, уни мунтазам равишда қилган ишларидан камчилик оғиб камситиб келганлиги, жиркиб шаъни, қадр-қимматини камситиб келгангини баҳона қилиб, 2022 йилнинг ноябрь ойида ўзининг онаси Ф.ни қасддан улдиради. Мазкур ҳолатнинг ўтказилган суриштирув жараёнида вояга етмаганнинг маиший соҳадаги руҳий зўравонлик жиноят содир этишига олиб келган.

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маиший соҳадаги руҳий зўравонлик шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш, шахснинг руҳиятига таъсир этиш, ҳақорат ёки тухмат қилиш, мунтазам равишда танқид қилиш ва кўрқитиш, қариндош-уруғлар орасида шарманда қилиш ҳолатларида жиноий қилмиш аломатлари бўлмаслиги лозим. Масалан, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида назарда тутилган тухмат ёки ҳақорат ва шу кабилар тақдор содир этилган бўлса жиноий қилмиш сифатида баҳоланади.

Иккинчи, маиший соҳадаги жисмоний зўравонлик – маиший турмуш муносабат иштирокчилари ўртасида шахснинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, жинсий дахлсизлиги, орномуси, қадр-қиммати ва қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига

⁴Ғозибеков Т. Маиший турмуш жараёнидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва ҳимоя ордери бериш фаолияти. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2022. Б.6.

⁵ Пулатова Ш. А., Муродов А. Ш., Зўравонликдан жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва зўравонликнинг олдини олиш [Матн] : услубий қўлланма /— Тошкент: Baktria press, 2020. — 11 б.

зид хатти-ҳаракат жисмоний куч ишлатиш ёки уни хўрлаш, таҳқирлаш ва босим ўтказиш билан кўрқитишда ифодаланади.

Жисмоний зўравонликка шапалоқ тортиш, тепиш, турткилаш, мушт билан уриш; зарб билан итариб юбориш; турли ўткир буюм ва нарсаларни отиш; қурол билан хавф солиш ёки яралаш; уйдан чиқишга жисмонан йўл қўймаслик; кечаси ухлашга қўймаслик ва бошқа шу кабиларни киритиш мумкин⁶. Мазкур зўравонликнинг содир этилиш оқибатида етказилган зарарнинг миқдори унинг маъмурий ёки жиноий қилмиш сифатида малакалашга сабаб бўлади. Бу борада жабрланувчига етказилган тан жароҳатининг даражаси инобатга олинади. Тан жароҳатининг даражасини аниқлаш мутахассиснинг ҳулосасига асосланилади.

Учинчи, маиший соҳадаги иқтисодий зўравонлик – кундалик биргаликдаги ҳаёт (турмушда оиланинг бир ёки бир гуруҳ аъзолари томонидан бошқа бир аъзосини турли хил баҳоналар билан пул ва буюмлардан фойдаланишдан маҳрум қилиш орқали моддий ёрдам (пул, озиқ-овқат, кийим-кечак, телефон, компьютер, уй-жой ва ҳ.к.) сўрашга мажбурлаш.

Иқтисодий зўравонликка бирламчи эҳтиёжлари (озиқ-овқат, кийим-кечак, дори) учун асоссиз пул бермаслик, уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, таълим олиш ва меҳнат қилишга руҳсат бермаслик, қанча пул сарфлашини назорат қилиш, ўзи топган пулни тасарруф этишга йўл қўймаслик, оила бюджетидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва ҳ.к. ҳаракат (ҳаракатсизлик)да намоён бўлади.

Маиший турмуш муносабат иштирокчиларининг бир бирига нисбатан жисмоний таъсир ўтказиши, жисмоний куч ишлатиш орқали қасддан баданга шикаст етказиши, шунингдек руҳий ва маънавий тазйиқ ўтказишини қилмишнинг оқибатига қараб маъмурий ёки жиноий сифатида малакаланилиши мумкин.

Юқоридагилардан ташқари маиший турмуш соҳасида содир этиладиган жиноятларни барвақт олдини олишнинг самарадорлиги маъмурий ҳуқуқбузарликлар таҳлили, уларнинг содир этилиш сабаб ва шароитларини мунтазам равишда ўрганиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг (кейинги ўринларда МЖтК дейилади) 40, 41, 46¹, 52, 183-моддалари назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар асосан маиший турмуш соҳасини камраб олади ҳамда ички ишлар органларининг масъул тузилмалари томонидан рўйхати ва таҳлили юритилади. Ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг миқдор кўрсаткичлари таҳлили уларнинг йилдан йилга ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 2021 йилда 243893 та содир этилган бўлса, 2022 йилда 277294 тани ташкил этиб 12 фоизга, 2023 йилда 278968 тани ташкил этиб, ўтган даврга нисбатан 0,74 фоизга кўпайган.

Шундан:

МЖтКнинг 40-моддаси 2021 йилда 4546 та, 2022 йилда 4911 та, 2023 йилда 5026 та;

МЖтКнинг 41-моддаси 2021 йилда 107603 та, 2022 йилда 104863 та, 2023 йилда 100103 та;

МЖтКнинг 46¹-моддаси 2021 йилда 151 та, 2022 йилда 170 та, 2023 йилда 244та;

МЖтКнинг 52-моддаси 2021 йилда 44992 та, 2022 йилда 40785 та, 2023 йилда 35239 та;

МЖтКнинг 183-моддаси 2021 йилда 86601 та, 2022 йилда 126465 та, 2023 йилда 138444 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган.

Таҳлилларга асосланиб, таъкидлаш жоизки маиший турмуш соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг 80 фоизини майда безорилик ва ҳақорат қилиш ташкил этмоқда. Қолган 20 фоизини бошқа турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар ташкил этади. Бу каби статистик кўрсаткичлар реал ҳолатга мувофиқ келмайди, чунки маиший турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг латентлиги кўп жихатдан миллий урф одатларимизга ҳам боғлиқ.

⁶ Пулатова Ш. А., Муродов А. Ш., Зўравонликдан жабрланганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва зўравонликнинг олдини олиш [Матн] : услубий қўлланма /— Тошкент: Baktria press, 2020. — 11 б.

Мазкур ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти маиший-турмуш муносабатлари иштирокчиларининг турли масалалардаги ўзаро келишмовчиликларининг оқибатида содир этилганлигини кўрсатмоқда. Таҳлиллар ўзаро келишмовчиликлар оқибатида содир этилган ҳуқуқбузарликлар 2021 йилда 17202 тани, 2022 йилда 18397тани 2023 йилда 21055 тани ташкил этганлигини кўрсатмоқда.

Шундан,

МЖТКнинг 40-моддаси 2021 йилда 958 та, 2022 йилда **1160** та, 2023 йилда 1335 та;

МЖТКнинг 41-моддаси 2021 йилда 4998 та, 2022 йилда **5816** та, 2023 йилда 6047 та;

МЖТКнинг 46¹-моддаси 2021 йилда 124 та, 2022 йилда 29 та, 2023 йилда **13 та**;

МЖТКнинг 52-моддаси 2021 йилда 5858 та, 2022 йилда **5571** та, 2023 йилда 6400 та;

МЖТКнинг 183-моддаси 2021 йилда 5264 та, 2022 йилда **5821** та 2023 йилда 7260 тани ташкил этган.

Бу борадаги таҳлиллар оила-турмуш муносабатлари доирасидаги келишмовчиликлар оқибатида содир этилган 2021 йилда 17202та, 2022 йилда 18397та, 2023 йилда 21055 та маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ўрганилганда куйидагилар аниқланди:

ўч олиш мақсадида 2021 йилда 821та, 2022 йилда 426 та, 2023 йилда 412та;

рашқ туфайли 2021 йилда 1345 та, 2022 йилда 1828 та, 2023 йилда 1682 та;

мол-мулк талашиш оқибатида 2021 йилда 3114 та, 2022 йилда 2091 та 2023 йилда 1903та;

муросаси келишмаганли оқибатида 2021 йилда 5998 та, 2022 йилда 7726 та; 2023 йилда 10244 та;

бошқа сабаблар оқибатида 2021 йилда 5924 та, 2022 йилда 6326 та 2023 йилда 6814та.

Маиший турмуш доирасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар **кимга нисбатан, ким томонидан содир этилиши** ўрганилди ва бу борадаги 2021 йилда 17202 та, 2022 йилда 18397 та, 2023 йилда 21055 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар таҳлил қилинди. Хусусан.

эри томонидан хотинига 2021 йилда 5438 та, 2022 йилда 7585 та, 2023 йилда 10524та;

хотини томонидан эрига 2021 йилда 717 та, 2022 йилда 773 та, 2023 йилда 725 та;

қўшнисига 2021 йилда 3061 та, 2022 йилда 2646 та, 2023 йилда 2434 та;

акаси ёки укасига 2021 йилда 2484 та, 2022 йилда 2145та, 2023 йилда 2313та;

қариндошига 2021 йилда 5502 та, 2022 йилда 5248 та, 2023 йилда 5059та маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги аниқланган;

Бу борадаги таҳлиллар маиший соҳадаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар асосан 88 фоиз ҳолатда эр ва хотин ҳамда яқин қариндошлар ўртасида содир этилиши аниқланди.

Юқоридаги содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларнинг ҳиссасини ўрганиш мақсадида улар томонидан содир этилган 2021 йилда 402 та, 2022 йилда 293 та, 2023 йилда 254 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар таҳлил қилинди. Хусусан:

илгари судланган шахслар 2021 йилда 89 та, 2022 йилда 90та, 2023 йилда 71 та;

Соғлиқни сақлаш муассасалари ҳисобида турган алкоголизм, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка чалинган шахслар 2021 йилда 101 та, 2022 йилда 111 та, 2023 йилда 68та;

Руҳий касал 2021 йилда 6та, 2022 йилда 1 та, 2023 йилда 1 та;

ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган бошқа тоифа шахслар 2021 йилда 101 та, 2022 йилда 212 та, 2023 йилда 114 тани ташкил этган.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этилиши жараёнида ҳуқуқбузар шахснинг ҳолати юзасидан 2021 йилда 1034 та, 2022 йилда 1037 та ҳуқуқбузарликлар таҳлил қилинди. Хусусан:

маст ҳолатда 2021 йилда 1031 та, 2022 йилда 1016 та, 2023 йилда 1320та;

ғиёҳванд моддасини истеъмол қилган ҳолатда 2021 йилда 3 та, 2022 йилда 21 та, 2023 йилда умуман содир этилмаган.

Ҳуқуқбузарлик содир этилган жойи 2021 йилда 17202 та, 2022 йилда 18397 та, 2023 йилда 21055 та.

Хонадон 2021 йилда 6865 та, 2022 йилда 9444 та, 2023 йилда 13310та;

Ётоқхона 2021 йилда 1279 та, 2022 йилда 715 та, 2023 йилда 397 та;

Жамоат жойда 2021 йилда 2148та, 2022 йилда 2274та, 2023 йилда 1895та;

Бошқа жойларда 2021 йилда 6910 та, 2022 йилда 5964 та, 2023 йилда 5453 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган.

Содир этилган вақти 2021 йилда 17202 та, 2022 йилда 18397 та, 2023 йилда 21055та.

Соат 06:00 дан 14:00 гача 2021 йилда 6502 та, 2022 йилда 8370 та, 2023 йилда 9464та;

Соат 14:00 дан 24:00 гача 2021 йилда 7725 та, 2022 йилда 7245 та, 2023 йилда 9403та;

Соат 24:00 дан 06:00 гача 2021 йилда 2975 та, 2022 йилда 2782 та, 2023 йилда 2108 та.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда маиший турмуш соҳасидаги жиноятларни барвақт олдини олишда бу соҳадаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ қуйидаги омилларни инобатга олиш тавсия этилади:

➤ *маиший турмуш доирасида содир этиладиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар* деганда мазкур жараён иштирокчиларининг бир бирига нисбатан жисмоний таъсир ўтказиши, жисмоний куч ишлатиш орқали қасддан баданга шикаст етказиши, шунингдек руҳий ва маънавий тазйиқ ўтказиши, моддий қарамлиги аён бўлган шахсни таъминламаслигини тушуниш тўғрироқдир;

➤ *руҳий зўравонликка* қўшимча тарзда қуйидагиларни киритиш мумкин:

ҳиссиёт ва ҳис-туйғуларни тан олмаслик;

унинг фикрлари устидан кулиш;

жазо чораси сифатида жабрланувчининг ҳиссиётларига эътибор бермаслик;

мунтазам танқид қилиш;

паст назар билан қараш;

яқинлари ҳақида салбий фикрларни билдириш;

сиқувга олиш ва ҳ.к..

➤ *маиший турмуш муносабат иштирокчиларининг бир бирига нисбатан жисмоний таъсир ўтказиши, жисмоний куч ишлатиш орқали қасддан баданга шикаст етказиши, шунингдек руҳий ва маънавий тазйиқ ўтказишини қилмишнинг оқибатига қараб маъмурий ёки жинойий сифатида малакаланилиши мумкин;*

➤ Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40, 41, 46¹, 52, 183-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар маиший турмуш соҳасида содир этилади, шунингдек уларнинг 80 фоизи майда безорилик ва ҳақорат қилиш ҳуқуқбузарлиги ҳиссасига тўғри келади;

- таҳлиллар жараёнида маиший-турмуш муносабатлари доирасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши бош омил сифатида маиший турмуш иштирокчиларининг ўзаро келишмовчиликлари хизмат қилмоқда;
- маиший турмуш доирасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар асосан хонадонларда эр ва хотин ҳамда қариндошлар ўртасида 06:00дан 24:00 қадар кўпроқ содир этилмоқда.